



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI

100163, Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 6

2022 yil « 5 » январь 08-13 son

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири
Р.Қ. Давлетовга

нусхаси:

Тошкент давлат юридик
университетига

Хурматли Руслан Қуролтаевич!

2021 йилнинг 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сонли қарори имзоланди.

Ушбу қарорнинг 3-бандига мувофиқ, 2022 йил 1 январдан бошлаб молиявий мустақиллик берилаётган 35 та давлат олий таълим муассасасида васийлик кенгашлари тугатилиб, таркибининг камида 70 фоизи тегишли вазирлик, идоралар, кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва ҳомийлардан иборат бўлган юридик шахс мақомисиз олий таълим муассасаларининг Кузатув кенгашлари ташкил этилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сонли қарори билан Кузатув кенгашларининг асосий ваколатлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан Сизнинг номзодингиз Тошкент давлат юридик университетининг Кузатув кенгаши раислигига тавсия этилмоқда.

Шу муносабат билан, Сизнинг юқорида келтирилган қарорлар доирасида Тошкент давлат юридик университетининг Кузатув кенгашини ташкил этиш, университетнинг барқарор ривожланишини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда унинг мамлакатимиздаги етакчи олий таълим

муассасасига айланиши билан боғлиқ чора-тадбирларга раҳбарлик қилишингиз сўралади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент давлат юридик университети томонидан ҳамкорликда тайёрланган университетнинг тавсиявий Кузатув кенгаши таркиби илова қилинади.

Илова 3 варақда.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти маслаҳатчиси**



А.Абдувахитов